

Қуръон ғайри махлуқ эканлигига иймон



23:36 / 02.12.2016 9731

Қуръон ҳақида талашиб-тортишмаймиз. Унинг Роббил оламийннинг каломи эканига, уни Рухул Амийн олиб тушганига, саййидул мурсалийн, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ўргатганига гувоҳлик берамиз. У Аллоҳ таолонинг каломидир. Унга махлуқларнинг ҳеч бир каломи тенг бўла олмас. Уни халқ қилинган, демаймиз. Мусулмонлар жамоасига хилоф қилмаймиз.

Шарҳ: Бу гапдан бир неча ишлар тушинилади:

- 1-Қуръон ҳақида мўътазилийлар талашиб-тортишганидек, талашиб - тортишиб, фитна чиқармаймиз.
- 2-Унинг Аллоҳнинг каломи ва сифатларидан бир сифат эканлигига гувоҳлик берамиз.
- 3-Уни Аллоҳнинг ҳузуридан Рухул Амийн –Жиброил алайҳиссалом келтирган.

4-Пайғамбарларнинг улуғи Муҳаммад ибн Абдуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ўргатган.

5-Унга халойиқнинг ҳеч бир каломи фасоҳатда, балоғатда, мъжизакорликда, адолат ва садоқатда тенг кела олмайди.

6-Биз уни махлуқ, деб мусулмонлар жамоасига хилоф қилмаймиз. Чунки, мўътазилийлардан бошқа ҳеч ким унинг махлуқ экани ҳақида гапирмаган.

«Уни Рухул Амийн олиб тушганига (Шуаро сураси, 193) – Жиброил алайҳиссаломнинг Рух, деб номланиши, у зотнинг ваҳий келтириши учундир. Чунки, ваҳий ила қалбларга руҳ-жон киради.

«Саййидул мурсалийн, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ўргатганига» бунда Жиброил У киши соллаллоҳу алайҳи васалламга ўргатганини очиқ айтиши билан, у киши Қуръонни илҳомий равишда тасаввур қилган, деб атган Қарматий мазҳабига раддия бордир.

«Уни халқ қилинган демаймиз. Мусулмонлар жамоасига хилоф қилмаймиз», деганида, ким Қуръонни махлуқ, деса, мусулмонлар жамоасига хилоф қилишга ишора бордир. Биз мусулмонлар жамоасига бирор нарсада хилоф қилмаймиз. Чунки, бундай хилоф йўлдан тойиш, залолат ва бидъатдир.

Далил:

1-«Уни қалбингга огоҳлантирувчилардан бўлишинг учун очиқ-ойдин араб тилида Рухул Амийн олиб тушди». (Шуаро сураси, 193)

2-«Албатта, У ҳурматли Расулнинг сўзидир. У шоирнинг сўзи эмасдир». (Ал-Ҳаққа сураси, 40)

3-«Албатта, У ҳурматли Расулнинг-қувват эгаси, арш эгаси ҳузурида маконоти бор, итоат қилинган, сўнгра ишончлининг сўзидир». (Таквир сураси, 19)

4-«У қилинган ваҳийдан бошқа нарса эмас. Уни қувватили, шиддатли зот ўргатгандир». (Нажм сураси, 4)

5-«Унда шубҳа йўқ китобнинг туширилиши Роббил оламийндандир». (Сажда сураси, 2)

6-«Ким ўзига ҳидоят аён бўлганидан кейин Пайғамбарга хилоф қилса ва мўминлар йўлидан бошқа йўлга эргашса, уни юзланган томонига юзлантириб қўямиз ва жаҳаннамга киритамиз. У қандоқ ҳам ёмон қайтар жой!» (Нисо сураси, 115)